ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИГА ЎТКАЗИЛАДИГАН САЙЛОВЛАРГА **3 КУН** ҚОЛДИ!


*Shu aziz Vatan — barchamizniki*

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

■ 2004-YIL ■ 23-DEKABR ■ PAYSHANBA ■ 155 (27.330) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.


**Кузатувчи нигоҳи**

## ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРИШЛАР МЕНИ ЛОЛ ҚОЛДИРДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига илк бор ўтажак сайловни кузатиш учун жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари ва халқаро ташкилотлардан 200 нафарга яқин кузатувчи келиши кутилмоқда. Бу эса сайлов ошкора ва очиқ, адолатли ва демократик тарзда ўтишини ҳар томонлама таъминлашда муҳим омил бўлади.

— Мамлакатингизда сайловга пухта тайёргарлик кўрилаётганига гувоҳ бўлдим, — дейди Лондон университетининг Шарқ ва Африка тадқиқотлар мактаби маърузачиси Ширин Акинер. — Бу ўта муҳим сиёсий тадбир юқори савияда ўтиши учун тегишли шарт-шароит яратилган. Бир сўз билан айтганда, сайлов Ўзбекистон учун беҳад катта аҳамиятга эгадир.

Бугунги кунда мамлакатингизда кенг қамровли ҳаётбахш ўзгаришлар, янгиланишлар амалга оширилаётганининг шоҳиди бўлдим.

Ўзбекистон ўзининг бой тарихи билан дунёга машҳур. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда барча соҳаларда рўй берган демократик ўзгаришларни кўриб, лол қолдим.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон келажаги буюк давлат эканига шубҳа йўқ. Унинг буюк келажаги, аввалambор, зукко ва серғайрат, соғлом ва салоҳиятли ёшларидир. Юртингизда бўлишим асносида кўплаб ёшлар билан учрашдим, уларнинг суҳбатидан дилим қувнади, покиза орзу-умидлари ва юксак мақсад-муддаоларни кўзлаб яшашларига ҳавасим келди. Бунга Тошкентдаги жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабалари, профессор ҳамда ўқитувчилари билан учрашувда яна бир бор амин бўлдим.

Тошкент менда ғоят унутилмас таассурот қолдирди. Азим шаҳарнинг меҳмондўст одамлари, ноёб меъморчилиги ҳамда янги қурилишлари, озодалиги ва саришталиги ҳар қандай кишининг баҳри дилини очади.

**Т.БОТИРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири**



## ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

Андижон вилояти аҳли мамлакатимизда 26 декабрда, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига ҳамда вилоят, туман, шаҳар Кенгаши депутатлигига бўлиб ўтадиган сайловга қизғин тайёргарлик олиб бормоқда. Хусусан, бу жараён Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 20-Қўрғонтепа сайлов округида ҳам қизғин паллага кирди. Округ Қўрғонтепа, Хонобод. Жалолқудуқ туманларининг 55 та сайлов участкасини қамраб олган.

Бу ерда сайловчиларнинг ўзлари истаган номзодларига овоз беришлари учун барча қулайлик яратилган.



**Суратларда:** Қўрғонтепа сайлов округи 562-сайлов участкаси фаолиятидан лавҳалар.

**Шуҳрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар**

## ТОКИОДА ДАВРА СУҲБАТИ

Япония парламенти биносида Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловларга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди

Ўзбекистон Республикасининг Токиодаги элчихонаси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда таниқли сиёсат арбоблари, жамоатчилик ташкилотлари раҳбарлари, йирик компаниялар ва етакчи оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди. Улар орасида Япония парламенти аъзолари Коки Чума, Шигео Уетаки ва Исао Матсумия бор эди.

Ўзбекистон Республикасининг Япониядаги Фавқулодда ва мухтор элчиси М.Очилов мамлакатимиз сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартишлар, Олий Мажлис Қуйи палатасига сайловларнинг моҳияти, унда иштирок этадиган сиёсий партиялар ҳақида батафсил маълумот берди.

Шунингдек, сайловларда қатнашувчи халқаро кузатувчилар, уларнинг ваколатлари ва иштирокига доир масалалар хусусида ҳам сўз юритилди.

Жонли мулоқот руҳида ўтган суҳбат баҳс-мунозараларга бой бўлди. Унинг иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов раҳбарлигида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни юқори баҳолашди.

— Мазкур сайловларда бешта етакчи партия ҳамда сайловчилар ташаббускор гуруҳлари номзодларининг иштирок этаётгани мамлакатнинг демократик тамойилларга тўлиқ риоя қилаётганини кўрсатмоқда, — деди Япония парламенти аъзоси К.Чума. — Марказий Осиё минтақасида етакчилик қилаётган Ўзбекистон демократик жамиятни шакллантириш борасида аллақачон ўзини дунёга танитиб улгурган мустақил давлат сифатида эътироф этилмоқда.

Шу жойнинг ўзида Япониядаги етакчи оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказилди.

Давра суҳбати ва брифинг қатнашчиларига мамлакатимиздаги парламент сайловларига оид япон тилида тайёрланган рисола ва маълумотномалар тарқатилди.

**Беруний АЛИМОВ,**
**«Жаҳон» АА**

## АККРЕДИТАЦИЯДАН ЎТГАН БАРЧА ЖУРНАЛИСТЛАР ДИҚҚАТИГА!

МСК Матбуот марказида сайловлар жараёнининг тезкор ва жонли ёритилиши учун барча имкониятлар яратилган

2004 йил 26 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Матбуот маркази сиз учун соат 7.00 дан бошлаб очиқ бўлади.

Шу куни Матбуот марказида республиканинг барча вилоятларидан овоз бериш жараёнига доир сўнгги маълумотлар келиб тушади ва ўрнатилган мониторларда акс этади.

Кун давомида МСК раҳбарияти иштирокида қатор матбуот анжуманлари уюштирилиб, биринчиси соат 10.00 га ва якунловчи анжуман овоз бериш тугагач, бир соатдан сўнг соат 21.00 га белгиланган.

Матбуот марказида журналистлар фаолияти учун барча қулайликлар мавжуд бўлиб, компьютер, факс, телефон ҳамда халқаро алоқа, Интернетга уланиш имконияти таъминланади.

Матбуот марказига кириш бейджикларни кўрсатган ҳолда амалга оширилади.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй, Миллий матбуот маркази биноси.**
**Маълумот учун телефонлар: 144-25-06, 139-11-33**

## ОЛИЙ ДАРГОҲДА ТАНТАНАЛИ МАРОСИМ

Қорақалпоғистонда Ажиниёз номли Нукус давлат педагогика институтининг 70 йиллик юбилейи муносабати билан тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда илм-фан, маданият арбоблари, турли мутасадди ташкилотлар вакиллари ҳамда кенг жамоатчилик иштирок этди.

Мазкур даргоҳ кейинги йилларда тубдан ўзгарди. Ўқув хоналари янги русумдаги компьютер ва бошқа техник асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Институтда юксак педагогик технологияларни жорий этиш ҳамда ўқув ва илмий ишларни янада такомиллаштириш мақсадида бир неча хорижий муассасалар билан ҳамкорлик қилинмоқда. Бунинг натижасида ўнга яқин профессор-ўқитувчилар АҚШ, Канада, Буюк Британия, Россия, Исроил каби давлатларда малака ошириб қайтдилар.

Ҳозир институтда 5800 нафар талаба таҳсил оляпти. Улар орасидан Беруний, Улуғбек, Навоий номидаги Давлат стипендияси совриндорлари, халқаро кўрик-танловлар ғолиблари, спорт мусобақалари чемпионлари етишиб чиқаётгани айниқса қувонарлидир.

**Реймбой ЕШИМБЕТОВ**

## АЗИЗ САЙЛОВЧИЛАР!

*Олий Мажлисимизнинг Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига ўтказиладиган сайловларда ҳар бир депутатлик ўрни учун сиёсий партиялар ҳамда ташаббускор гуруҳлардан кўрсатилган номзодлар кураши қизғин паллага кирди.*

*Айни кезда ҳар биримиз, ёшу кекса номзодларнинг қай бири муносиб эканлигини обдон, ҳар тарафлама ўйлаб кўраяпмиз, танлаяпмиз. Миллий давлатчилигимиз ривожини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилишида қай бирининг мақсади, матлаби салмоқли, залворли ва истиқболли эканлигини чуқур таҳлил қилиб кўрмоқдамиз.*

*Мамлакатимизда сайловларга қизғин тараддуд кўрилаётгани, фуқароларимиз бу жараёнда фаол иштирок этаётгани хориждан ташриф буюрган кузатувчилар томонидан ҳам эътироф этилмоқда.*

*Зеро, эрта-индин Парламентимизда вужудга келажак муҳим сиёсий янгилик — Олий Мажлиснинг Қуйи ва Юқори палаталари тараққиёт, демократия, адолат сари одимлаётган давлатимиз ҳамда жамиятимиз ҳаётидаги ижодий ўзгаришларни янада фаоллаштиришнинг асосий омилларидан бўлиб хизмат қилмоғи муқаррар!*

*Қолаверса, бу янгилик — республикамиз Конституциясида асл мақсад ва муддаомиз қилиб белгилаб қўйилган — адолатли фуқаролик жамияти сари ташлайдиган янги қадамимиз ҳамдир.*

*Шу нуқтаи назардан, сайловларда беллашаётган сиёсий партиялар ва ташаббускор гуруҳлардан рўйхатга олинган депутатликка номзодларнинг ҳаракат дастурларидаги матлаб битта: барчамиз учун азиз бўлган шу Ватанга хизмат қилиш!*

*Ушбу эзгу ниятни амалга оширишда ким қандай йўл танлайди, қандай стратегия билан иш кўради — бу, ҳар бир партия дастурида кўзланган режаларнинг нечоғли реаллиги, халқчиллиги, миллийлиги, оммабоплиги, ўзига хос ва ўзига мослиги, пировардида, ҳаётчанлигига боғлиқ.*

*Мамлакатимиз фуқаролари 26 декабрь куни бўлиб ўтадиган сайловларда айни шу мезонлардан туриб, кимга фаол ва якдил овоз беришларини яхши билишади, теран англашади, номзод танлашда адашмайди, деган ишончдамиз.*

*Ўзбекистон Халқ демократик партияси — аҳолининг тўлов қобилиятини ҳисобга олмасдан туриб: уй-жой-коммунал хўжалиги, транспорт ва алоқа хизматлари учун нархларнинг оширилишига қатъиян қаршилик билдиради.*

*Халқ демократик партияси жамиятдаги бу каби мураккаб масалаларни ҳал этишга тўсиқ бўлган барча кучларга сиёсий мухолиф — бошқа партияларга нисбатан муқобил куч сифатида сўл йўналишда ҳаракат қилади. Ёхуд у — мамлакат сиёсий ҳаётининг сўл қанотидир.*

*Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўзининг дастурий мақсадларига фақат қонун доирасида ҳаракат қилиб, демократик жамият имкониятларидан, жумладан, Парламент минбаридан фойдаланиб эришиш йўлида изчил кураш олиб боради.*

*Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг сайловолди бош шиори: «Халқимиз фаровонлигига эришиш — Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши гаровидир!»*

### Қадрли Ватандошлар!

**Агар Сиз, Ўзбекистон Халқ демократик партияси номзодларига овоз берсангиз, республикамиз меҳнат аҳли — ишчилар, қишлоқ меҳнаткашлари, илмий ва ижодий ходимлар, ўқитувчи ва шифокорлар, шунингдек, ҳарбий хизматчилар, талабалар, ўқувчи ёшлар, пенсионер ва ногиронлар манфаатларини ифодаловчи ҳамда уни ҳимоя этувчи партияга овоз берган бўласиз.**

**Агар сиз, Ўзбекистон Халқ демократик партияси номзодларига овоз берсангиз, аҳолининг кам даромадли қатлами, кўп болали оилалар, ёлғиз кексалар ва ишсиз фуқаролар манфаатларини ижтимоий муҳофаза қилишни ўзининг дастурий мақсади деб билган партияга овоз берган бўласиз.**

**Агар Сиз, Ўзбекистон Халқ демократик партияси номзодларига овоз берсангиз, аҳолини, айниқса, ёш авлодни инсонпарварлик ва меҳр-оқибат қоидаларига зид бўлган барча хуружлардан ҳимоя қилиш учун бутун жамоатчилик кучлари билан ҳамкорликда қатъий кураш олиб боришга бел боғлаган партияга овоз берган бўласиз!**

**ЭРТАНГИ КУНИМИЗ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ, ТУРМУШИМИЗ ДАРАЖАСИ, ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАРИМИЗ КАФОЛАТИ БУГУН БИЗ КИМГА ОВОЗ БЕРИШИМИЗГА БОҒЛИҚ**







ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
BANK XALQ BANKI
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 137-23-98, 137-10-20, 134-75-57; Faks: 136-76-22.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

# БИЗ ИНСОН ФАРОВОНЛИГИ — МАМЛАКАТИМИЗ ГУЛЛАБ-ЯШНАШИ ТАРАФДОРИМИЗ!

**Юртимиздаги муҳим сиёсий тадбир бўлган Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловга саноқли кунлар қолди. Эртага фуқароларимизнинг кимга овоз беришлари охир-оқибат ўзимизнинг тақдиримизни, фарзандларимиз келажагини белгилаши, шубҳасиз. Шунинг учун ҳам номзодларнинг ҳар бир сўзи ҳеч биримизни бефарқ қолдирмаса керак.**

**Яқинда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида партиядан Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатилган бир гуруҳ номзодлар шулар ҳақида ўзаро фикрлашдилар. Қуйида уларнинг айрим мулоҳазаларини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.**

**Аслиддин РУСТАМОВ,**
**Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби.**



— Маълумки, партиямиз ўзининг Сайловолди Платформасини халқимизга тақдим этди. Унда биз, биринчи навбатда, мамлакатимиз ҳаёти учун қонунларнинг ишлаб чиқилиши ва қабул қилинишида халқимизнинг айни пайтда диққат марказида турган ва ечимини кутаётган масалаларга алоҳида эътибор қаратаяпмиз. Шундан келиб чиқиб, мен ўз дастуримда амалга ошиши қийин бўлган баландпарвоз ғояларни эмас, кўпроқ оддий қишлоқ фуқаролари, номзодим кўрсатилган округ аҳолисининг манфаатларига хизмат қилувчи қонунларни яратиш таклифлари билан чиқмоқдаман. Жумладан,

— Иш ҳақи, пенсия, ижтимоий нафақалар миқдорининг ҳар бир оилага кундалик эҳтиёж моллари, асосий озиқ-овқатлар ва бевосита ҳаёт таъминоти учун етарли бўлишини таъминлаш.

— Деҳқонни ўз ери ва ишлаб чиқарган маҳсулотининг ҳақиқий хўжайинига айлантириш. Аграр соҳани бошқаришда маъмурий усуллардан воз кечиш.

— Қонунчилик даражасида давлат тайёрлов ташкилотларининг хўжаликлар топширган маҳсулот учун тўлиқ ва ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш бўйича масъулиятларини ошириш.

— Қишлоқда тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, корхоналар сонини кўпайтириш, уларга молиявий имтиёзлар бериш.

— Ижтимоий муҳофазага муҳтож оилаларга бериладиган моддий ёрдам миқдорини кўпайтириш, ёрдам бериш тартибини соддалаштириш.

— Хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш.

— Ёш оилаларнинг оёққа туриши, ёшларнинг ўқиши, яхши ҳақ тўланадиган иш ва уй-жой билан таъминланишларининг қонуний кафолатларини яратиш.

— Ўзбекистон фуқароларининг чет элларга бориб ишлаб келишларига ҳар томонлама кўмаклашиш, уларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш. Фуқароларнинг бошқа мамлакатларга вақтинча ишлаш учун боришлари билан боғлиқ ҳужжатларни расмийлаштиришни соддалаштириш ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг тегишли бўлимлари кўрсатадиган хизматларни сезиларли даражада арзонлаштириш.

— Педагог ва тиббиёт ходимларининг юқори малакали меҳнатини муносиб моддий рағбатлантиришни ушбу касбларнинг анъанавий нуфузига тўғри келадиган даражага кўтариш.

— Уй-жой, коммунал ва транспорт хизматлари учун нархларнинг асоссиз оширилишини тўхтатиш.

— Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар юкини босқичма-босқич камайтириш орқали аҳоли турмуш даражасини кўтариш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш...

Яна шу нарсани алоҳида таъкидлашни истардимки, менинг ҳамда партиямиздан кўрсатилган бошқа барча номзодларнинг сайловолди дастурлари ЎзХДПнинг Сайловолди Платформасидан келиб чиқади. Биз унда аҳоли жон бошига олинган кўрсаткичлар асосида белгиланадиган халқ фаровонлиги даражаси Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ижтимоий самарадорлиги бош мезони бўлиши керак, деган ғояни илгари сураяпмиз. Бунда партиямиз ислоҳотларнинг бош мўлжали уларнинг натижасида ҳар бир инсонга кундалик эҳтиёж моллари, асосий озиқ-овқат ва ҳаётий зарур хизматларни, жаҳоннинг ўртача ривожланган мамлакатларида истеъмолнинг умум қабул қилинган андоза ва меъёрларига мос кафолатлайдиган даражага етказиш бўлмоғи керак, деб ҳисоблайди.

**Сирожиддин АЪЗАМОВ,**
**ХДП Тошкент вилоят кенгаши биринчи котиби.**



**— Мен бугунги кундаги сайловолди ишлар ҳақида сўз юритар эканман, фаолиятимнинг устувор йўналиши деб фақат ўз сайловолди дастуримни сайловчиларга етказиш эмас, балки уларнинг эҳтиёжларини, улар билдирган таклиф ва мулоҳазаларни ўрганиб, ҳаётга татбиқ этиш зарур, деб ҳисоблайман.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик палатасига сайловлар бўйича Тошкент вилоятида ташкил этилган баъзи сайлов округларида бўлиб ўтган учрашувларда сайловчилар қуйидаги муаммоларни бартараф этиш тўғрисидаги таклифлар киритдилар. Бу — ўқитувчи ва тиббиёт ходимларининг меҳнат ҳақлари миқдорини ошириш; Қибрай, Тошкент ва Юқоричирчиқ туманларидаги бир қатор мактабларни таъмирлаш ва баъзи қишлоқларда мавжуд мактаблар узоқда жойлашганликлари сабабли янги мактаблар қуриш масаласини кўриб чиқиш; кўплаб аҳоли пунктларига водопровод қувурлари ўтказилган ҳолда уларда сув йўқлиги муаммосини ҳал этиш; барча аҳоли пунктларини табиий газ билан таъминлашни яхшилаш; қишлоқларда автотранспорт ва пиёдалар йўлларини асфальтлаш ва таъмирлаш; қишлоқ ҳудудларидаги ўқув муассасаларига олиб борувчи йўловчи автотранспорт воситаларининг юришини ўқувчилар учун қулай йўналишларда ташкил этиш ва бошқалар.

Фуқаролар ҳозирги пайтда бундай наказлар берилмаслигини яхши билишади, лекин улар шундай масалаларни кўндаланг қўйишиб, буни ҳал этишни сайловолди дастурига киритишни талаб этишмоқда. Мен, албатта, мазкур масалалар билан тегишли мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида шуғулланаман. Ўйлашимча, бу талабларнинг келиб чиқиши бизда қонун, фармон ва қарорлар ижроси устидан назорат яхши йўлга қўйилмаганлиги натижасидир. Зеро, назорат яхши ташкил этилса, ўқитувчи ва тиббиёт ходимларининг меҳнат ҳақлари миқдори ҳам оширилади, мактаблар ўз вақтида таъмирланади, янги мактаблар ҳам ўз вақтида қурилади, водопровод қувурларида сув ҳам бўлади, табиий газ билан таъминлаш масаласи ва бошқа муаммолар ҳам вақтида ўз ечимини топади.

**Латиф ҒУЛОМОВ,**
**ХДП Тошкент шаҳар кенгаши биринчи котиби.**



— Мен ўз сайловолди дастуримда Ўзбекистон ХДП дастурий мақсадлари ҳамда Сайловолди Платформаси билан ҳамоҳанг равишда сайловчилар манфаатларини юзага чиқаришни таъминлайдиган қатор қонунларни ишлаб чиқиш ва бошқа давлат аҳамиятига эга қарорлар қабул қилинишига ҳисса қўшишни мақсад қилиб қўйганман. Улар, асосан, қуйидагилардан иборат:

— Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан меҳнатга қобилиятли аҳоли бандлигини таъминлаш миллий ва минтақавий дастурларини қабул қилиниши ташаббуси билан чиқиш;

— Қонунчилик даражасида мактаб, лицей, коллеж, олий ўқув юртлари битирувчилари, бошқа ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларнинг тўлиқ бандлигини ишончли кафолатлашни таъминлаш;

— Халқ таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури доирасида умумтаълим мактаблари бинолари ва ўқув-моддий базасини сақлаш учун бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг миқдори улардан тўлақонли фойдаланиш, уларни сақлаш ва таъмирлашга етадиган даражага етказишга эришиш;

— Соғлиқни сақлаш муассасаларини бюджетдан молиялаш меъёрларини қайта кўриб чиқиш, педагог ва тиббий ходимлар меҳнати муносиб моддий тақдирланишини таъминлаш;

— Ижроия ҳокимият маҳаллий органлари томонидан амалда иқтисодий ислоҳотлар жараёнига тўсиқ бўладиган қоида, йўриқнома ва бошқа шунга ўхшаш умумий таъсир қонуности ҳужжатларни қабул қилиш амалиётини чеклайдиган қонунчилик ҳужжатини тайёрлаш ташаббуси билан чиқиш;

— Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ролини оширишнинг ҳуқуқий-меъёрий негизини ривожлантириш, унинг ҳудудий бошқарувни амалга оширишдаги ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш бўйича ишларни давом эттириш;

— Кишиларда фаол фуқаролик позицияси, ўз конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини тушунишни шакллантиришга қаратилган, фуқаролик таълим ва тарбиясини амалга ошириш юзасидан давлат ва жамият тизимларини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

— Лавозим бебошлиги, тўрачилик, коррупция ва порахўрлик билан курашни меъёрий-ҳуқуқий йўналтиришни таъсирчанлигини ошириш юзасидан иш олиб бориш.

**Гулноза САТТОРОВА,**
**Тошкент давлат юридик институти ўқитувчиси.**

— Юртимизда эркин бозор иқтисодиёти шаклланиши, хусусий мулкнинг тобора ривожланиши муқаррар. Лекин айнан ана шу давр ичида одамларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминловчи механизмлар кучли бўлиши керак. Бу одамларда келажакка бўлган ишончни кучайтиради, норозилик кайфиятини туғдирмайди. Энг кучли ривожланган мамлакатларда ҳам инсонларнинг ижтимоий ҳимояси тизими кенг татбиқ этилади. Бизнинг давлатимизда эса бу фуқаролар тинч-тотув яшашининг гарови бўлгани учун ҳам муҳимдир.



Менинг сайловолди платформам кам таъминланган, кўп болали, ёш оилаларга, болаликдан ногиронларга бериладиган нафақалар билан боғлиқ қонунчиликни такомиллаштириш ва шу боис ўз-ўзини бошқариш органлари, яъни маҳаллаларга тегишли ваколатларни кенгайтириш, аёллар ва ёшлар ўртасида ишсизлик муаммосини бартараф этиш каби аниқ таклифларни ўз ичига қамраб олади.

2005 йил Президентимиз томонидан «Сиҳат-саломатлик йили» деб эълон қилинди. Шундан келиб чиқиб, амалдаги қонунчилигимизга одамларнинг сиҳат-саломатлиги билан бевосита боғлиқ бўлган дори-дармонлар тўғрисидаги қонунларимизга тегишли қўшимчалар киритилишини таклиф этаман. Яъни, уруш қатнашчилари, уруш ногиронлари, 1-2-гуруҳ, болаликдан ногиронларга ҳамда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган, касалликка чалинган шахсларга дориларни бепул ёки 80 фоиз арзонлаштирилган нархда сотадиган дорихоналарга нисбатан солиқ юкини енгиллаштириш лозим. Сифатсиз дорилар сотилишининг олдини олиш мақсадида, бундай дориларни сотган шахсларга нисбатан, агар оқибати одамларнинг соғлиғи, ҳаётига хавф туғдирса, жиноий жавобгарликни кучайтириш керак.

**Ватанимиз гуллаб-яшнаши, аввало, халқнинг фаровон яшашига боғлиқ. Мамлакатнинг ривожланганлиги аҳолининг тўкин-фаровон ҳаёти билан белгиланади. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Сайловолди шиори шундай: «Халқимиз фаровонлигига эришиш — Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши гаровидир». Бу партиямиздан кўрсатилган ҳар битта номзод дастурининг мазмунини ташкил этади. Демак, Ўзбекистон Халқ демократик партияси инсон фаровонлиги, мамлакатимиз гуллаб-яшнаши тарафдоридир!**

**Унинг номзодлари учун овоз берган сайловчилар ана шундай эзгу ниятга етишиш ишига ўз ҳиссаларини қўшган бўладилар.**

**Ўзбекистон ХДП МК**
**матбуот хизмати**

---

**Бизнинг номзодлар**

# КЎНГИЛ СОҲИБИ

**Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи 34-«Ўзбекистон» сайлов округидан депутатликка кўрсатилган номзод Соҳибжон Тўхтамуродович САЛИМОВ.**



У бизнинг жамоада меҳнат қилади: «Ўзбекистон овози» газетасининг Тошкент вилояти бўйича мухбири. Ишлаганда ҳам шунчаки эмас, ёниб-куйиб, елиб-югуриб ишлайди.

Одамларнинг ижтимоий, оилавий муаммоларини ҳал этилишида амалий ёрдам кўрсатган вақтлари ҳам кўп бўлди. Пойтахт вилоятининг шаҳарга туташиб кетган Янгийўл, Зангиота туманидан дейсизми, Пискент ёки Қуйичирчиқданми бирор ёрдам, маслаҳатга муҳтожлар Соҳиб Салимовни қора тортиб келади.

— Соҳибжон Салимовнинг ибрат олса арзигулик жиҳатларидан бири — дейди газетамизнинг хатлар бўлими мудири Ҳайдар Носиров. — Мақола қандай ҳолатда, нима ҳақда бўлмасин, ёзишдан олдин, чуқур тайёргарлик кўради, ўша масалага доир кўплаб «материаллар» тўплайди, кейин тўплаганларини саралаб ёза бошлайди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Номоз Саъдуллаев эса у ҳақда шундай дейди:

— Ким нима деса-десину, журналист учун фақат ёзишни ўзи камлик қилади. Соҳибжон ана шу мезонга амал қилиб ишлайди. Дарҳақиқат, ўзи ёзадиган мавзуни чуқур ўрганишга ҳаракат қилади. Қайси мутасадди билан суҳбатлашмасин, масалани ўшандан ортиқроқ даражада билишга ҳаракат қилганини исботлаб... беради. Ички маданияти, инсонлар билан муомаласида ўрганса арзигулик фазилатлар бор.

***Дастурий қайдлар:***

«... Юрт эртаси ҳозир ўсиб келаётган ёшлар қўлида. Модомики шундай экан, ишсиз ёшларни иш билан банд этиш муҳим вазифа. Аёл зоти — Яратганнинг энг нафис ҳилқати. Шундай экан, уни Ватанни асрагандай асрашимиз жоиз. Ҳамма вақт фарзанд тарбияси билан аёллар шуғулланишган. Шулардан келиб чиққан ҳолда аёллар иш вақтини қисқартириш масаласига доир таклифлар билан чиққан бўлардим.

Аҳолининг меҳнат билан банд бўлган қисми, яъни жамоа хўжалиги аъзоларини уй-жой солишга ва томорқага ажаратилган ер учун тўлайдиган солиқлардан батамом ёки қисман озод қилиш масаласини кўриб чиқиш, газлаштириш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масалаларига эътибор қаратмоқчи.

Туман аҳолисига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш, ҳеч бўлмаганда, 50 фоиз аҳолини зарур дори-дармонлар билан бепул таъминланишига эришиш — ҳаракат дастуримнинг асосий қисмини ташкил этади...»

Яқинда пискентлик Ҳидоят ака деган кишини газеталар биносида кўриб қолдим.

— «Халқ сўзи»га келгандим, — деди у — Қурбон Эшмат акага ишим бориди, тополмадим, йўғаканла, ҳа майли-да... Анови укамиз, Соҳибжон депутатликка номзоди қўйилгани яхши бўпти-да. Қанийди, шунақа ёшлар ўтса, ўзиям-чи «маладес» бола. Ман яхши биламан. 1994-95 йиллар эди. Ўшанда хўжалигимиз раҳбарлари устидан ўн беш, йигирматача киши шикоят ёзган экан газетага. Ойликла берилмасдан туриб қолганди... ишқилиб бир сабаб билан Соҳибжон хўжалигимизга келганди. Биринчи иши: ўша ёзган одамларни топтиртириб раис билан юзма-юз қилди. Ўшанда Соҳибжонни аралашуви билан ҳамма ишлар ҳал бўганди. Мана, шу гапгаям ўн йилча бўпти. Лекин-чи — ҳалиям одамларни эсида. Ҳозирги кунда Соҳибни кўпчилик пискентликлар яхши танийди. Ўзиям фақат муаммоли нарсалар ёзади-да, тўғрими?

— Депутат бўлсангиз Қуйичирчиқ учун жон куйдирарккансиз-да? — дея ўсмоқчилаб сўрадим Соҳибдан куни кеча.

— «Депутат бўлсам, ундай қиламан, бундай қиламан» дея ваъдабозлик қилиш бозордаги сотувчи билан харидорнинг савдосига ўхшаш нарса. Бу хилдаги иш кўпинча ваъдабозликдан нарига ўтмайди, — деди у. — Қуйичирчиқдан номзодим кўрсатилган экан, сайлансам, сайланмасам ҳам депутатлик дастуримда баён этилган барча мақсад, ғояларни имконияти борича ҳал этиш учун курашаман...

**Илҳом КАРОМОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

---

# ҚУТҚАРУВЧИЛАР БЕЛЛАШДИЛАР

Мамлакатимизда 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган турли тадбирларни ўтказиш яхши анъанага айланди. Жумладан, спорт мусобақалари, кўрик-танловлар, учрашув ва кечалар ташкил этилмоқда. Улар ҳар бир фуқаро, айниқса, ёшларнинг қалбида Ватан туйғусини мустаҳкамлашга, халқ ва юртга муносиб фарзанд бўлишга даъват этади.

Мамлакатимиз Президентининг шу йил 30 ноябрдаги «Ватан ҳимоячилари кунига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тўғрисида»ги Фармойиши талаблари асосида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимида ҳам қатор тадбирлар ишлаб чиқилди. Куни кеча пойтахтимиздаги Миллий боғда ташкил қилинган қутқарувчиларнинг республика мусобақаси бўлиб ўтди. Икки кун давом этган ва 17 та жамоа қатнашган бу мусобақа уч босқичдан иборат бўлди.

Қизиқарли ва шижоаткор руҳда ўтган мусобақа якунига кўра, биринчи ўрин Тошкент шаҳар ФВБга, иккинчи ўрин Тез ҳаракат қилувчи махсус бўлинма аъзоларига, учинчи ўрин эса Тез ҳаракат қилувчи республика кўп тармоқли марказ қутқарувчилари жамоасига насиб этди. Ғолиблар қимматбаҳо эсдалик совғалар билан тақдирландилар. Ушбу мусобақа асносида йилнинг «Энг яхши қутқарувчиси» ва «Энг яхши гуруҳ қўмондони» номига сазовор бўлган қутқарувчилар ҳам аниқланди.

**Маъмуржон ҚИЁМОВ**

---

# СПОРТ МАЙДОНЧАСИ ИШГА ТУШДИ

Яқинда азим Хоразм вилоятининг Хива шаҳридаги Калта минор, Ичон қалъа ва Каптархона маҳаллалари фаоллари кўмагида илгари ташландиқ бўлиб ётган 3 гектар майдон болалар спорт майдончасига айлантирилди. Бу хайрли ишнинг амалга оширилишида, айниқса, ЎзХДП Хива туман кенгаши биринчи котиби Ш.Мадаминов, туман Халқ таълими бўлими мудири М.Отажонов, вилоят спорт-интернат мактаби директори Р.Маткаримовларнинг хизмати катта бўлди.

Эндиликда 1-, 2-, 5-, 8-мактаб ўқувчилари ушбу спорт майдонида футбол, волейбол, баскетбол, мини-футбол ва бошқа спорт турлари билан шуғулланиш имкониятига эга бўлишди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда Хива туманида маҳаллалар ташаббуси билан қад кўтараётган бундай иншоотлар талайгина.

**Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ**

---

**Тадбир**

# ЁШЛАР: «МЕН САЙЛОВГА ТАЙЁРМАН!»

Республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Марказий Кенгаши залида «Мен сайловга тайёрман!» номли кўрик-танловнинг республика финал босқичи бўлиб ўтди. Унда вилоятлар ва Тошкент шаҳри босқичида ғолиб бўлган талабалар сайлов, икки палатали парламент тўғрисидаги билимлари юзасидан ўзаро куч синашдилар.

Мамлакатимиз интеллектуал ёшларининг асосий қисмини талабалар ташкил этишади. Танлов аудиториясини айнан талабалар этиб белгилашдан кўзланган асосий мақсад, интеллектуал салоҳиятли ёшларимизни бўлажак сайловларда фаол иштирок этишга, ўз мустақил овозига эга бўлишига, мамлакатимиз тақдирига бефарқ бўлмасликка чорлаш, бошқа тенгдошларига ҳам ижобий таъсир ўтказишга эришишдан иборатдир.

Кўрик-танлов якунида 1-ўрин Жиззах давлат педагогика институти талабаси Сарвар Назарқосимовга насиб этди ва у компьютер билан тақдирланди. 2-ўринни Бухоро давлат университети талабаси Шаҳло Махмудова эгаллаб, 300 минг сўм пул мукофоти олди. 3-ўринга Самарқанд давлат университети талабаси Отабек Мажидов лойиқ топилди ва унга 100 минг сўм пул мукофоти топширилди.

Шунингдек, ғолибларга ва танлов иштирокчиларига «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда ҳамкор ташкилотларнинг эсдалик совғалари топширилди.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ**

---

# ЎНИНЧИ «БОИНГ»ИМИЗ

1996 йилда Тошкент аэропортига «Боинг-767» ҳаво кемаси илк бор келиб қўниши билан «Ўзбекистон ҳаво йўллари»нинг жаҳондаги энг йирик самолётсозлик компанияси билан самарали алоқалари тарихи бошланганди. Ҳозирга қадар ўзбек ҳаво флоти паркидаги тўққизта «Боинг» кемалари жаҳоннинг турли бурчакларига парвозларни амалга оширмоқда.

Ўтган якшанба куни пойтахт аэропортига олис Сиэтлдан яна бир янги ҳаво кемаси — «Боинг-767-300 ER» келиб қўнди. Ўзбекистон буюртмаси билан қурилган ўнинчи «Боинг» 264 йўловчини ташишга мўлжалланган бўлиб, у энг замонавий навигация ва видео тизимлар билан жиҳозланган.

— Ўзбекистонлик ҳамкорларимиз айнан олис масофага парвоз этувчи «Боинг-767»ни танлашганидан қувонамиз, — дейди МДҲ мамлакатларига сотувлар бўйича «Боинг — Фуқаролик самолётлари» компаниясининг вице-президенти Крэг Жонс. — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» билан ўн йилдан буён ҳамкорлик қилиб келаяпмиз. Шу йиллар мобайнида авиакомпания жаҳон авиаташувлар бозорида етакчи ўринни эгаллаб, ажойиб натижаларни намойиш этаяпти.

Дарвоқе, Янги йилдан бошлаб ўзбек учувчилари Шанхай, Теҳрон каби янги йўналишлар бўйича парвозларни амалга оширишга киришадилар.

**Алишер РЎЗИЕВ**

---

# ГАЗЛИ ҚИШЛОҚ — ФАЙЗЛИ ҚИШЛОҚ

Вобкент туманидаги «Зарафшон» ширкат хўжалиги ҳудудида 28 та қишлоқ мавжуд бўлиб, илгари ана шуларнинг атиги 8 тасида «зангори олов» ёнарди. Бугун эса хўжаликда газлаштириш ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

— Бу йил ҳам дон, ҳам пахта мўл бўлди, — дейди ширкат хўжалиги раиси Баҳодир Ғаффоров. — Жорий йилдаги умумий даромадимиз бир миллиард сўмни ташкил этди. Соф фойдамиз эса 200 миллион сўмдан ошди. Шунинг эвазига 500 дан ортиқ хонадон газлаштирилди.

Халқимиз газли қишлоқни файзли қишлоқ деб бежиз айтишмаган. Бугун Розмоз, Болтабек, Сариосиё, Бешработ, Сартарошлар, Бўйинтуруқ каби қишлоқлар аҳолиси турмуш тарзининг ўзгаришида арзон ёнилғининг роли беқиёс бўлаяпти.

**Даврон БАҲРОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

---

**«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар**

# «ТУЗ — НОН КАБИ АЗИЗ НЕЪМАТ

## УНИНГ СОФЛИГИ ҲАМ АЗИЗ БЎЛМОҒИ ЖОИЗ»

**Газетанинг шу йил 19 октябрь сонида ана шундай сарлавҳа остида мақола босилган бўлиб, унда Навоий электрокимё заводининг алоҳида цехида ишлаб чиқарилаётган туз маҳсулотларининг сифати ҳақида мулоҳаза юритилган эди. Куни кеча мазкур мақола юзасидан Навоий вилояти давлат солиқ бошқармасидан мактуб олдик. Унда жумладан шундай дейилади:**

«Навоий вилоят давлат солиқ бошқармаси «Ўзбекистон овози» газетасининг 2004 йил 19 октябрдаги 124-сонида чоп этилган «Туз — нон каби азиз неъмат, унинг софлиги ҳам азиз бўлмоғи жоиз» номли мақоласида қайд этилган ҳолатлар юзасидан қуйидагиларни маълум қилади.

Давлат солиқ бошқармаси томонидан жорий йилнинг ўтган даври давомида олиб борилган тадбирлар натижасида 23 ҳолатда сифатсиз туз маҳсулотларини сотиш ҳолатлари аниқланиб, ҳуқуқбузарлардан 95,23 тонна туз маҳсулоти далилий ашё сифатида олиб қўйилди. Текшириш материаллари барчаси чора кўриш учун тегишлиги бўйича жойлардаги суд органларига юборилди.

Ҳозирда ҳам сифатсиз туз маҳсулотларини сотиш ҳолатларининг олдини олиш, аниқлаш борасида мунтазам равишда тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда.

**Б.ТЕШАЕВ,**
**Навоий вилоят давлат солиқ бошқармаси бошлиғи»**

Спорт

*Республикамизнинг етакчи жамоаси ҳисобланган «Пахтакор» кейинги уч йилда ҳақиқий профессионал клуб мақомини олди. Албатта, бунга ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Ўтган давр мобайнида клуб бошқаруви ишончли қўлларга ўтди. Уни моддий томондан қўллаб-қувватлаб турувчи мустаҳкам, бақувват ҳомийлар ҳам кўпайди.*

*Клуб президенти Ботир Раҳимов, жамоа бошлиғи Самвел Бабаян, унинг ўринбосари Асқар Толибжонов, бош мураббий Тачмурод Агамуродов каби инсонлар «Пахтакор»ни жаҳон талабларига мос келадиган жамоа сифатида шакллантириш учун тинимсиз меҳнат қилмоқдалар. Бу саъй-ҳаракатларнинг самараси ўлароқ, пойтахтликлар уч карра чемпион, уч марта Кубок соҳиби бўлди. Бундай зафарли юришни жамоа халқаро майдонларда ҳам давом эттирмоқда. Ўтган йилдан эътиборан Осиё футбол Конфедерацияси ташкил қилган Осиё чемпионлар лигаси турнирида клуб аъзолари кетма-кет икки марта ярим финалга қадар етиб келишди. Гарчанд Тачмурод Агамуродов шогирдлари мазкур нуфузли турнирнинг ҳал қилувчи босқичига чиқа олмаган бўлса-да, «Пахтакор»нинг бу кўрсаткичи нафақат қитъамиз миқёсида, балки жаҳонда ҳам таҳсинга лойиқ деб топиляпти. Агарда ОФК раҳбарлари жамоа бош мураббийини 2004 йилги мавсум якунларига кўра, энг кучли учта мутахассис қаторига киритган бўлса, «Пахтакор» жаҳон клублари ўртасида тузилган ўзига хос рейтингда муносиб ўринларга чиқиб олди.*

*Ўз навбатида Ўзбекистон футбол федерацияси раҳбарияти клуб истиқболлари ҳамда ундаги ижобий муҳитни ҳисобга олиб, «Пахтакор»ни мамлакатимизнинг барча терма жамоалари учун асос қилишни маъқул топди.*

*Биз пахтакорчилар эришаётган ютуқлар, кейинги режалари хусусида жамоа бош мураббийи Тачмурод Агамуродов билан суҳбатлашдик.*



## Тачмурод АГАМУРОДОВ:

# «ФУТБОЛ ҲАММАНИНГ ДАРДИ БЎЛИШИ КЕРАК»

**— Тачмурод Шамакович, аввало ўтган мавсум якунлари ҳақида фикрларингизни билдирсангиз...**

— Кейинги уч мавсум давомида ўз олдимизга қўйилган вазифаларнинг барчасини аъло даражада уддалашга эришяпмиз. Жамоа йилдан-йилга ҳар томонлама шаклланиб боряпти. Масаланинг яна бир муҳим жиҳати, «Пахтакор» фақатгина клуб бўлиб қолмасдан барча терма жамоаларимиз учун ҳам асос сифатида фаолият кўрсатаяпти. Шу сабабли таркибда ёшлар, эртанги истеъдод эгалари ва уларга ҳар томонлама ўрнак бўладиган, майдонда ёрдам берадиган тажрибали футболчилар жамланган. Халқаро миқёсда ҳам эътироф этиладиган номга эришиш учун курашяпмиз.

Хитойда ўтган Осиё чемпионатида ва «ЖЧ-2006» саралаш баҳсларининг биринчи босқичида муваффақиятли иштирок этган терма жамоамиз таркибида ҳам шогирдларим борлиги клуб раҳбарлари ва шахсан мен учун қувонарли бўлди.

Бундай олиб қараганда, «Пахтакор» эришган ютуқларни ҳамма билади. Ўз навбатида бош мураббийнинг кўнгли тўлмаган жиҳатлар ҳам бўлиши табиий. Барча соҳаларда бўлгани каби бу ерда ҳам қўлга киритилган муваффақиятлар билан чекланиб қолиш — ижоддан, ишдан тўхтаб қолиш билан тенг. Хоҳлайсизми-йўқми, улкан ютуқлар ҳам камчилик, нуқсонлардан холи бўлмайди.

**— Фикрингиздан икки йил кетма-кет Осиё чемпионлар лигасида эриша олинмаётган ғалабани назарда тутаётганлигингизни англаш мумкин.**

— Тўғри топдингиз, биз нафақат «Пахтакор», балки барча ўзбекистонлик мухлисларга ОЧЛдаги ғалабани туҳфа этиш орзусида ёнаяпмиз, десам муболаға бўлмайди.

**— Иккала ярим финалдаги мағлубиятларнинг бир-биридан қандай фарқи бўлди?**

— Биласизми, агар дастлабки йили футболчиларимизга клуб миқёсида халқаро тажриба етишмаган бўлса, бу сафар ҳаммаси кўнгилдагидек эди. Эътибор қилган бўлсангиз, биринчи сафардаги ўйинда ўзимиз учун маъқул ҳисобга эришдик. Тошкентда ютишимизга ҳаммамиз ишонгандик... Назаримда, шогирдларим ғалаба қозониш иштиёқида ортиқча ҳаяжонланиб кетишди. Кейин футболчиларимизнинг чемпионат, кубок баҳсларида иштирок этиши, миллий терма жамоа таркибида бўлишлари ҳам таъсир ўтказмай қолмади. Биргина мисол, ёзги танаффус даврида футболчиларимиз «Хитой-2004»да иштирок этишди. Осиё чемпионати тугаши билан миллий чемпионат, кубок баҳслари бошланиб кетди. Бундан ташқари, етакчи футболчиларимизнинг жароҳат олишлари ҳам бизга анча қийинчилик туғдирди.

**— Адашмасак, сиз учун таркибнинг ҳужум чизиғида анча муаммолар пайдо бўлди. Элдор Магдиев кўпдан бери жароҳатда. Иккинчи даврада жамоага қабул қилинган Владимир Шишелов ҳам ўз имкониятлари даражасида ўйнай олмаяпти. Сўнгги пайтларда «Пахтакор»га яхши ҳужумчи — тўпурар етишмаётганлигини кўп бор такрорлаяпсиз.**

— Фикрингизда жон бор. Ҳақиқатан яхши ҳужумчи керак. Ўз олдига юксак мақсадларни қўйган ҳар қандай жамоа таркиби мукаммал бўлиши лозим. Дарвоза, ҳимоя ва ярим ҳимоядан кўнглим тўқ. Ҳужумда эса...

**— Демак, «Пахтакор»да янги ҳужумчилар пайдо бўлиши мумкин экан-да..?**

— Юқорида айтганимдек, бусиз илож йўқ. Мана масалан, ўша «Сеонгнам»ни олайлик. Жамоа тақдирини Денис Лактионов, Дуду каби зўр ҳужумчилар ҳал қилишмоқда. Худди шундай мисолни ОЧЛ ғолиби бўлган «Ал-Иттиҳод» тўғрисида ҳам айтиш мумкин. Шу боис, биз ҳам ҳаракатдамиз.

Номма-ном айтолмайманку, аммо ҳозир баъзи футболчилар билан музокаралар олиб бораяпмиз.

**— ОЧЛнинг янги мавсумига ҳам қуръа ташланди...**

— Тадбирда ўзим ҳам иштирок этдим. «Пахтакор»га Сурия, Ироқ ва Саудия Арабистони клублари рўбарў бўлишди. Рақибларимизнинг бирортаси билан учрашмаган бўлсак-да, араб футболи биз учун бегона эмас. Ўйин услубига кўп бора дуч келганмиз.

**— Гап халқаро мусобақалар хусусида кетганда, кўпчилик мураббийлар ОФК томонидан йўл қўйиладиган камчиликларга урғу беришади. Янги мавсумда вазият қай кўринишда бўлади?**

— Афсуски, бу сафар ҳам қитъа футбол раҳбарлари клубларни қийин аҳволга солиб қўймоқда. Мисол учун 23 март куни терма жамоамиз Қувайт билан сафарда ўйнаса, 30 март куни Жанубий Кореяга йўл олади. 6 апрель куни эса «Пахтакор» Саудия Арабистонида ОЧЛ ўйинини ўтказади. Бу учиб юришлардан кейин футболчиларга осон бўлмайди албатта. Лекин ноилож, вазиятдан чиқишга ҳаракат қиламиз.

**— Терма жамоамиз асосини шогирдларингиз ташкил қилади. «Пахтакор» каби миллий термамизни ҳам 2005 йилда жуда муҳим учрашувлар кутиб турибди. Бу борада ишлар қай тарзда йўлга қўйилади?**

— Хабарингиз бор, ўз вақтида терма жамоада ҳам фаолият кўрсатганман. Шунинг учун унинг тақдирига бефарқ қарай олмайман. Шахсан ўзимнинг ташаббусим билан номзод бўлган футболчиларни 9 январдан 9 февралга қадар терма жамоа мураббийлари ихтиёрига топширамиз. Аввалига терма жамоада йиғин 9-16 январга белгиланганди. Шундан кейин номзодлар «Пахтакор»га қайтишлари керак эди. Биз масаланинг муҳимлигини қалбдан ҳис қилиб, истисно тариқасида шундай қарорга келдик. Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг, Ўзбекистон футбол федерацияси президенти Зокиржон Алматов, бош котиб Бахтиёр Раҳимов терма жамоамизни «ЖЧ-2006»га чиқиши учун барча шарт-шароитни муҳайё қилиб бераётган бир маҳалда биз қараб турсак тўғри бўлмайди.

**— Янги мавсумга тайёргарлик қандай ўтказилади?**

— 20 декабрда йигитлар таътилдан қайтишди. Улар тиббий кўрикдан ўтишгач, 29 декабрга қадар биринчи босқич ўқув-йиғин машғулотларини ўтказамиз. Янги йилнинг 2-9 январь кунлари жамоа Бирлашган Араб Амирликларига сафар қилади. У ерда тайёргарлик билан биргаликда бир нечта синов-назорат учрашувларини ўтказамиз. Тошкентга қайтиб келиб, кейин бироз муддат ўтгач, Москвага Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги республикалари чемпионлари Кубоги мусобақаларига йўл оламиз. Сўнгги тайёргарлик Тошкентда ўтади. Орада Туркияга ҳам бориб келамиз.

**— МДҲ чемпионлари Кубоги атрофида кейинги пайтларда жуда кўп гап-сўзлар юрибди. Бу борада сиз нима дейсиз?**

— Мазкур турнир ўз ўрнида бўлгани маъқул. Айтмоқчиманки, фойдадан ҳоли эмас. Турли республикалар футбол мактаблари вакиллари бирбирини кўради, бир-биридан ўрганади.

**— «Пахтакор» бу турнирда ўз олдига қандай вазифа қўяди?**

— Ҳали юқорида айтганимдек, асосий футболчиларимиз терма жамоа ихтиёрида бўлади. Шу сабабли, Москвага асосан ўринбосарлар ва термага жалб этилмайдиган футболчилар билан борамиз. Албатта, юқори ўринлар учун курашамиз. Муҳими эса муносиб иштирок этиб қайтиш.

**— Ўринбосарларга ҳам катта турнирларда қатнашиш имконияти туғилар экан-да?!..**

— Вақти-соати келиб, ўринбосарларни ҳам «жанг»га ташламасак, уларни тайёрлаганимиздан, меҳнатимизни сарфлаганимиздан нима фойда? Ўз вақтида ўринбосарларни жамоалар таркибида ушлаб туриш керакми ёки йўқми, — деган масала кўтарилганида, унга тарафдор бўлганлар орасида мен ҳам бор эдим. Ишонч билан айта оламанки, ўринбосарлар футболимизнинг муҳим бўғини ҳисобланишади.

**— Янги мавсумда асосий таркибга кириш учун қайси ўринбосарлар ҳаракат қилишаётганлигини айтиб ўтсангиз...**

— «Пахтакор»да ўринбосарлар билан Игорь Хомуха иш олиб боради. Вячеслав Головешкин ва Анвар Рашидовлар унга яқиндан ёрдам беришади. Ҳозирда жуда кўплаб ёшларимиз асосий таркибдан жой олишга астойдил интилишаяпти. Бу йил Садриддин Абдуллаев, Акмал Шораҳмедов, Анзур Исмоилов, Александр Клецков, Фарҳод Тожиев, Доут Джатдоев, Шахбоз Эркинов каби ўринбосарларимиздан умидимиз катта. Ўйлайманки, улар ортидан ҳали яна кўплаб йигитлар етишиб чиқади.

**— 2005 йилда клуб олдига қандай мақсадлар қўйилган?**

— Мақсад ва вазифалар ўша-ўша. Мамлакат чемпионлиги ва кубогини эгаллаш. Яна бир энг катта мақсадимиз — ниҳоят, ОЧЛ турнирида ғалаба қозониш. Гарчанд, бу йилги ярим финалда ҳам енгилган бўлсакда, биз турнирда ғолиб чиқишимиз мумкинлигига ва бунинг учун ҳамма имкониятларимиз етарли эканлигига ишонч ҳосил қилдик.

**— Бу йил миллий чемпионатимизнинг олий лигасида 14 та жамоа иштирок этди. Жуда кўпчилик мухлислар назарида бу ўйинлар сонини ҳам камайтириб юборди. Сизнинг муносабатингизни билмоқчи эдик...**

— 14 та жамоа ҳақиқатан ҳам на у ёғлик, на бу ёғлик. Футболсевар мамлакат аҳли учун ўйинлар қанча кўп бўлса, шунча яхши. Аммо жамоалар сони камайиб кетишига кимда-ким ЎФФ раҳбарлари айбдор, деб ўйласа, қаттиқ янглишади. Футбол мутасаддилари иложи борича чемпионат савиясини кўтариш йўлида, ундаги талабга жавоб бермайдиган жамоаларга чек қўйиш учун шундай чора-тадбир қўллашга мажбур бўлишган. Ўзингиз ўйлаб кўринг, «Андижон» жамоаси нима учун олий лигадан тушиб кетди? Жуда ажойиб стадионга, футбол тарихига эга фидойи мухлислари бор бўлган шаҳар мана энди олий лигадан маҳрум этилди. Ёки «Сурхон»га бир назар ташлайлик. Термизда футболга, назаримда, эътибор йўқ. Стадион таъмирталаб ва ҳоказо. Футболчиларга ўз вақтида, қолаверса, умуман маош, мукофот пуллари берилмаса, клуб аъзолик бадаллари бўйича ЎФФдан қарздор бўлса, ким айбдор?! Маҳаллий раҳбарлар жойларда озгина эътибор қилишмаса, Ўзбекистон футбол федерацияси ходимлари улар учун шарт-шароит яратишмайдику! Хуллас, айтмоқчиманки, футбол ҳаммамизнинг дардимиз бўлиши керак.

**— «Пахтакор»дан кетиш ниятингиз йўқми?**

— Россия ва Қозоғистон клубларидан таклифлар тушганди. Лекин мен уларни рад этдим. Ўз вақтида «Копет-Доғ» клубида фаолиятимнинг энг ёрқин даврлари ўтганди. Мана энди мураббийлигимнинг янги саҳифасидан «Пахтакор» ҳам жой олди. Мен учун жамоа худди оиламдек қадрдон бўлиб қолди. Шу боис, уни ташлаб кетиш ниятим йўқ.

**Толибжон ҚОСИМОВ,**
**Эркин ХОЛБОБО**
**суҳбатлашди.**

# XORIJDA

## ҲУЖУМ УЮШТИРИЛДИ



Американинг Мосулдаги базасига Ироқ жангарилари уюштирган ҳужуми натижасида 24 нафар одам ҳалок бўлди. Уларнинг 19 нафари Америка фуқароси эди. Президент Буш ҳалок бўлганларнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдирди.

## ЙИРИК ЖИНОЯТ

Белфаст банкларининг биридан 20 миллион фунт стерлинг (40 миллион долларга яқин) ўмариб кетилди. Жиноятчилар 24 соат давомида 2 нафар банк ходими оиласини гаровда ушлаб туришди. Бироқ банк ўмарилганлиги ҳақидаги хабар тарқалгач гаровдагилар қўйиб юборилди.

Бу Бирлашган Қироллик ҳудудида рўй берган энг йирик жиноятлардан бири ҳисобланмоқда.

## ҚАРШИЛИК КЎРСАТМОҚЧИ

Ғазо минтақасидаги яҳудий аҳоли етакчиларидан бири Исроил бош вазирининг яҳудийларни минтақадан кўчириш борасидаги режасига қаршилик кўрсатишга чақирди. Ҳозирча бу минтақадан 8 минг кишини кўчириш мўлжалланган.

## МУҲОЖИРЛАР ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Польшада мамлакатнинг Германия билан чегарасида 28 нафар ноқонуний муҳожир қўлга олинди. Маълум бўлишича, уларнинг ярми Чеченистон ва Доғистон фуқаролари экан.

## АВТОҲАЛОКАТ ОҚИБАТИДА

Перу шимолида ичида йўловчилари бўлган автобус 50 метр тепаликда жойлашган кўприкдан дарёга қулаган. Ҳалокат оқибатида 49 одам нобуд бўлди, 15 нафари яраланди.

Маҳаллий полиция вакилларининг маълумотларига қараганда, ҳалок бўлганлар орасида аёллар ва ёш болалар бор.

## «САНТА-КЛАУС» КИМ?

Германияликлар «Санта-Клаус»ни ноқонуний шахс сифатида фаолиятини чеклашмоқда. Мамлакат бўйлаб, ҳатто қўшни Австрияда ҳам «Санта-Клауслардан холи» ҳудудлар ташкил этилмоқда. Германияликларнинг фикрича, «Санта-Клаус» Рождество байрами тижоратлашувига олиб келмоқда.

## ЯНГИ ЙИЛ СОВҒАСИ

Англиялик ёзувчи Жоан Роулинг (Гарри Поттер ҳақидаги туркум китоблар муаллифи) ижоди мухлисларини янги йил совғаси кутмоқда.

Роулинг хоним олтинчи китоб устидаги ўз ишини тамомлаганини маълум қилди. Янги китоб «Гарри Поттер ва чала зот шаҳзода» деб аталади.

## ПИНОЧЕТ КАСАЛХОНАДА

Чилининг 89 ёшли собиқ диктатори Аугусто Пиночет оғир аҳволда касалхонада ётибди.

Маълумки, Сантьягонинг апелляция суди Пиночетни суд қилиш ҳақида қарор чиқарган. Бироқ унинг адвокатлари собиқ диктаторнинг соғлиги ёмонлиги сабабли жиноий ишни тўхтатишга уринмоқдалар.

## 100 ЁШЛИЛАР КЎПАЯДИ

The Independent газетасининг ёзишича, Швейцария олимлари ривожланган мамлакатлар аҳолиси 60 йилдан сўнг ўртача юз йилдан умр кўради, деган фикрда.

Мисол учун Буюк Британияда 100 ёшга тўлган одам Қиролича номидан ёзилган табрикнома олади. Газета таъкидлашича, 60 йилдан сўнг вазият тубдан ўзгаради ва 100 ёшга тўлиш автобусга чипта олишдек оддий ҳолга айланар экан.

2000 йилда 7 миллион аҳолига эга бўлган Швейцарияда 100 ёшдан ошган 796 нафар киши истиқомат қиларди. Таҳлилчиларнинг айтишларича, бу мамлакатда бир асрга тенг умр кўрганлар сони ҳар 10 йилда икки маротаба ошмоқда.

Умуман олганда эса, дунё бўйича ҳаёт давомийлиги масаласи унча яхши эмас. Бироқ олимларнинг охирги 200 йил давомидаги кузатувлари натижалари ривожланган мамлакатларда эркаклар ҳаёти давомийлиги 26 ёшдан 65 ёшгача, аёлларники эса 70 ёшгача ошган.

Профессор Фред Пако Швейцария фуқаролари ва японияликлар узоқ умр кечириш бўйича етакчилик қилаётганини алоҳида таъкидлади. Унинг фикрича, одамларнинг узоқ яшаши мамлакатлардаги санитар ҳолатнинг яхшиланиши, овқатланиш ва тиббий хизматнинг савияси ошганлиги ҳамда аҳолининг катта даромад олиши билан боғлиқдир.

**Хуршид РАУПОВ**
**тайёрлади.**

BANK
XALQ BANKI

**ХАЛҚ БАНКИ**

**Мижозларга замонавий банк хизмати турларини жорий этган ҳолда «Ишонч» ва «Барака» сўм пластик карточкаларидан фойдаланишни таклиф этади.**

*Мазкур пластик карточкалар орқали — савдо муассасалари, ёқилғи қуйиш шахобчалари, аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи тармоқларда товарлар ва кўрсатилган хизматга нақд пулсиз тўловларни амалга ошириш ҳамда исталган вақтда нақд пул олишингиз мумкин.*

*Пластик карточка соҳиби ўз маблағлари даҳлсизлигини ошириш билан бир қаторда белгиланган фоиз даромадларини олиш имкониятига эгадир.*

*«Ишонч» ва «Барака» пластик карточкаларига Халқ банкининг барча туман (шаҳар) филиалларида эга бўлишингиз мумкин.*

**Халқ банкининг пластик карточкалари — бу Сизнинг кафолатланган ҳамёнингиздир!**

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!**

**РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ВА «KIMOSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI»**

**ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.**

2005 йил 27 январь ва 3, 10 февраль кунлари соат 11.00 да Республика Кўчмас мулк биржасининг биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги объект қўйилади:

1. Сурхондарё вилоятида жойлашган 7-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (7-АЁҚШ)

**Бошланғич баҳоси — 8 563 АҚШ доллари.**

Аукцион савдолари бўйича харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пули тўлаши шарт.

Чет эл валютасида сотувга чиқарилган объектлар бўйича закалат пули «Kimoshdi savdolari agentligi»нинг Ўзбекистон Республикаси «Уйжойжамғармабанк» Бош амалиёт бошқармасидаги валюта ҳисоб рақамига: 20208840104265383004, КОД-00937, СТИР 204563716, SWIFT: UZHOUZ 22 ўтказилади.

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!**
**Имкониятингизни бой берманг!**

Қўшимча маълумотлар учун Республика Кўчмас мулк биржаси ва «Kimoshdi savdolari agentligi»га мурожаат қилишингиз мумкин.

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Қора-Қамиш 2/4 даҳаси, М.Ўрозбоев кўчаси, 1«А»-уй, Республика Кўчмас мулк биржаси биноси, 2-қават, 207-хона. Маълумот учун телефонлар: 133-29-83, 136-15-28, 136-26-26.**

**Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси**

**ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ВА НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ҲУДУДИЙ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Объект номи: «Фарғона вилояти Бағдод туманидаги 5-тип спорт комплексини лойиҳалаш ва қуриш» (фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш шарти билан).

Буюртмачи: Фарғона вилоят «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

Манзили: Фарғона шаҳар Ал-Фарғоний кўчаси, 60-уй, тел., (факс): 24-24-33, 24-32-06.

Қурилиш ишлари Республика болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (заҳирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга, ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича:

Фарғона шаҳри, А.Навоий кўчаси, 29-а уй.

(Фарғона вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси биноси), телефон/факс: 26-43-19, 26-82-93 мурожаат қилишлари мумкин.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 50 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда офертаналарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

**Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, қуйидаги манзилда ўтказилади:**
Фарғона шаҳри, А.Навоий кўчаси, 29-а уй, (Фарғона вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси биноси).

Тошкент Давлат университети томонидан 1976 йилда Абдужаббор Абдулҳамидович Полвонзода номига берилган Г-II №255848 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари жамоаси таҳрир ҳайъати аъзоси, Ўзбекистон халқ шоири Ҳабиб Саъдуллага онаси

**МУКАРРАМХОН АЯ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади

## Осойишталик посбонлари

— Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятларни фош этиш, ёнғин ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш учун тезкор матбуот гуруҳи туздик, — дейди Бухоро вилояти ИИБ бошлиғининг шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бўйича ўринбосари, подполковник Тоҳир Ҳакимов. — Мақсадимиз ИИВнинг шу йил 5 октябрда бўлиб ўтган ҳайъат қарорида кўрсатилган вазифалардан келиб чиқиб, хизмат вазифасини бажариш вақтида мардларча ҳалок бўлган ходимлар тўғрисида, ички ишлар идораларида узоқ йиллар ишлаб нафақага чиққан соҳа кишиларининг иш тажрибалари, шунингдек, хизмат вазифасини бажаришда алоҳида ўрнак кўрсатаётган ходимларнинг иш фаолиятлари ҳақида туркум мақолалар, теле ва радио очерклар тайёрлаб, доимий эълон қилиб боришдир.

Бундан ташқари, «Йўл ҳаракати қоидалари»ни ўрганиш бўйича «Яшил чироқ», «Автопатруль» каби саҳифалар тайёрлаб, ўқувчилар ҳукмига ҳавола этишдир. Ўйлайманки, бу каби тадбирлар нафақат соҳа ходимларини, балки кенг жамоатчилик эътиборини ҳам тортади.

Яқинда «Ўзбекистон ИИВ бирлашган таҳририяти кутубхонаси» сериясидан «Қаҳрамонлар мангу яшайди» номли китоб нашрдан чиқди. Тўпламда 2004 йилнинг 28-31 март, 1 апрель ва 30 июль кунлари пойтахтимизда, Тошкент ва Бухоро вилоятларида содир этилган террорчилик ҳаракатлари чоғида мардлик, қаҳрамонлик кўрсатган ички ишлар ходимлари жасорати ҳақида ҳикоя қилинади.

Бухородаги воқеаларни кенг ва холис ёритгани учун китоб муаллифларидан журналист ва ёзувчи Ражаббой Рауповга бошқарма раҳбарияти номидан миннатдорчилик билдирилди. Келгусида бу борада муаллиф билан ижодий ҳамкорликни давом эттиришга келишилди.

**Асқар ҒИЁСОВ,**
**майор**



**Суратда:** Бухоро вилояти ИИБ бошлиғининг шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бўйича ўринбосари, подполковник Тоҳир Ҳакимов (ўртада) тезкор матбуот гуруҳи ходимлари билан.

## Ҳикматли сўзлар маъноси

### ТИККАН ЧЕВАР ЭМАС, БИЧГАН — ЧЕВАР

Ҳар қандай кийим ҳам аниқ ўлчаб, ўйлаб, маҳорат билан бичилса, тикилгандан кейин баданга лойиқ, ярашиқ, кўркам ва бежирим бўлиб чиқади. Шунингдек, ҳар бир иш бошидан пухта ўйлаб, замини мустаҳкам қилинса, кўнгилдагидек бўлиб чиқади, охири бахайр бўлади. Мазкур мақолни айтганда шунга шама қиладилар.

### ТИЛИНГ БИЛАН ДИЛИНГНИ БИР ТУТ

«Тил — дил калити», «Дилда нима бўлса, тилга шу келади», «Тилдан чиққани — дилдан чиққани», «Дили қинғирнинг — тили қинғир» дейдилар. Юқоридаги мақол билан: «Дилингда бошқа нарсани ўйлаб, тилингда бошқа нарсани гапирма, айёр, мунғомбир, тилёғламачи, ёлғончи, иккиюзламачи бўлма, тўғри ўйла, тўғри сўйла, ростгўй бўл!» деган маънода насиҳат қиладилар.

**Ёр улдурким тили-ю кўнгли онинг бўлса бир,**
**Ким тили ўзга-ю кўнгли ўзгадур ул ёр эмас.**

*(Навоий)*

### ТОЗА ҲАВО — ДАРДГА ДАВО

«Тоғ ҳавоси — дард давоси», «Яхши ҳордиқ — танга озиқ». Ота-боболар ҳифзиссиҳат (соғлиқни сақлаш) юзасидан таълим берарканлар, бу ва бу каби мақолларда киши вақти-вақти билан ҳаво алмаштириб туриши, соф, мусаффо, тоза ҳаводан баҳраманд бўлиши, яхшилаб ҳордиқ чиқариши зарурлигини уқтирганлар.

## Янги китоб

# ИБРАТЛИ УМР ЙЎЛИ

Ўтган йили хизмат юзасидан таниқли маорифчи Насриддин Раҳмоновнинг таржимаи ҳолига доир қўлёзмани ўқишга тўғри келган эди. Очиғини айтганда, уни хушламайроқ қўлга олдим. Сабаби, менинг тасаввуримда Насриддин ака узоқ йиллар Халқ таълими тизимида ишлаб, жуда силлиқ ҳаёт кечирган, умрида биронта қийинчиликка дуч келмаган бахтиёр, омадли одам эди. Шундай бўлгач, бу қўлёзманинг ўқувчиларга нима қизиғи бор деган хаёлга бордим. Аммо янглишган эканман, Насриддин ака мен ўйлагандан кўра қийин, машаққатли умр кечирган, оғир кунларни кўп кўрган инсон экан. Буларнинг ҳаммасини қўлёзмани ўқигандан кейин билиб олдим. Орадан кўп ўтмай, у «Умр йўли» номи билан чоп этилди. Унда муаллиф ўз мазмундор ҳаёт йўли ҳақида ҳикоя қилади, ибратли, таъсирли лавҳалар келтиради. Мана, унинг айрим саҳифалари.

Табиатнинг гўзал масканларидан бири — Нуротада туғилиб ўсган Насриддин Раҳмонов аччиқ ҳаёт синовларига дуч келади. 4-5 ойлигида онасидан жудо бўлган бу мурғак гўдакни меҳрибон қўни-қўшни аёллар эмизиб, зўрға сақлаб қолишади. Уларнинг оиласи ҳунарманд бўлиб, гилам, олача тўқиб, деҳқончилик қилиб рўзғор тебратишган. Ҳалол меҳнат, пешона тери эвазига топилган даромад эмин-эркин яшашдан ташқари оила аъзоларининг илм-маърифат олишига ҳам имкон берган.

Насридиннинг амакиси Ражаббой Бухоро мадрасасида таҳсил олади. Ўқишни тугатиб, Нуротага қайтгач, укаси Раҳмонбердини — Насриддин аканинг отасини ҳам Бухорога юборади. У мазкур илм даргоҳида яхши ўқиб, диний ва табиий фанларни, араб тилини, Қуръон тафсирини пухта эгаллагани учун Мисрда ўқишга лойиқ топилган. Биринчи жаҳон уруши туфайли юзага келган қийинчиликларга бардош бериб, таҳсилни давом эттирган ва 1918 йилда ўқишни битириб, ўз ватанига эсон-омон қайтган. Бу маърифатли оила эл-юртга наф келтирган ҳолда тинч ҳаёт кечириб кетиши мумкин эди. Аммо номига бахт-саодат ваъда қилиб, оммани лақиллатган янги шўро ҳукумати уларни қон қақшатиб, тўзғитиб юборади. 30-йиллардаги «бой-қулоқларни синф сифатида тугатиш» авж олган йилларда қора булутлар уларнинг хонадони устида ҳам айланиб қолади. Дастлаб Ражаббой ака ёт унсур сифатида қамоққа олинади. Бутун молу мулки мусодара қилинади, не машаққатлар билан йиғилган ноёб китоблар ёндирилади.

Бу лавҳалар эндигина олти ёшга тўлган боланинг юрагига битмас алам бўлиб ўйилган бўлса не ажаб? Аммо булар зўравонликнинг бошланиши эди. Навбат Раҳмонбердига келади. Аммо у зийраклик қилиб қочиб улгуради, сўнг қишлоқдан-қишлоққа ўтиб яшириниб, қувғинда яшашга мажбур бўлади. Ёлғиз ўғли, кўзининг оқу қораси Насриддин бир куннинг ўзида бечораҳолга айланган аммаси Ҳамидабону қўлида қолади.

«Умр йўли» китобида таъсирли бир лавҳа бор. «Кичкина амаким Сафарбой мени Каттақўрғон тумани ҳудудида жойлашган Кадан қишлоғига олиб борди. У ердаги зах ботқоқлик қамоқхонага айлантирилган экан. Атрофи девор билан ўралган бу жойда бирорта бино, иморат йўқ эди. Очиқ жойда неча минг кишилар ерда ўтиришар эди. Орадан бир йил ўтмасдан амаким шу қамоқхонада дунёдан ўтди». Юқоридаги тасвир зўравон шўро ҳукумати саводли, билимли кишиларни ҳар қандай йўллар билан қириб, йўқ қилиб юбориш сиёсатини махсус режа билан амалга оширганини кўрсатиб турибди. Зеро, юртнинг гули бўлган маърифатли, зиёли, оқил одамларнинг аччиқ қисматини кўриб, қўрқиб, қалтираб қолган одамларни хоҳлаган йўлга солиш мумкин эди-да!

Китобда ёзилишича, Насриддин акани отаси яшаб турган қишлоққа олиб боришади. У маълум муддат отаси билан бирга ҳали у, ҳали бу қишлоқда қочиб юришга мажбур бўлади. Етук саводхон Раҳмонберди ака то қўлга тушиб, қамалиб кетгунча ўғлига араб ёзувини, Қуръон сураларини ўргатади.

1932 йилдаги оғир очарчилик мусибатлари ҳам китобда қатор таъсирли воқеалар орқали гавдалантирилади. Улар ёш китобхонлар учун тарихнинг номаълум саҳифалари ҳақида тасаввур бериши жиҳатидан ибратлидир. Ота қамалгандан кейин (у киши 1942 йилда 54 ёшида қамоқда вафот этади) Нуротага, яна аммаси қўлига қайтган Насриддин 1936 йилда 1-синфга ўқишга боради. Отасидан олган сабоқлар, тарбия ва билим таъсирида у бир ўқув йилида уч йилга мўлжалланган режани ўзлаштириб, 4-синфга ўтказилади. Ҳали оиланинг елкасига офтоб тегмасдан туриб, уруш бошланади. Шў пайтдан бошлаб, ёш ўсмир ўқиш билан бирга хўжаликда турли юмушларни бажаради. Уруш машаққатлари, ҳарбий хизмат, ундан кейинги оғир йиллар, Самарқанд университетидаги ўқиш даври, маориф соҳасидаги узоқ йиллик самарали фаолият — булар ҳақида китобда жонли, самимий ҳикоя қилинган. Ана шу даврда ҳам у мустабид шўро тазйиқидан қутула олган эмас. Беш йил олий илм даргоҳида аъло ўқиб, ёшларнинг етакчиси сифатида танилган ташаббускор йигит Москвага аспирантурага юборилади. Аммо у ерда «қулоқнинг ўғли» деб ҳужжатларини қабул қилишмайди. Бу маънавий зарба, руҳий жароҳат излари муаллиф қалбида бир умр муҳрланиб қолган.

Шўро даврида маориф ишларига раҳбарлик қилиш осон эмас эди. Ҳамма нарса компартия қарорларини бажаришга бўйсундирилган, Москванинг чизиғидан бир қадам четга чиқиб бўлмасди. Салгина мустақил фикр юритаман деган киши миллатчиликда, феодал ўтмишни қўмсашда, бузғунчиликда айбланарди. Шундай оғир шароитда ҳам Насриддин ака ижтимоий фанлар дарсликларига Ўзбекистондан чиққан буюк алломалар ҳақида маълумотлар киритиш, «Ўзбекистон тарихи» дарслигини яратиш ташаббускорларидан бири сифатида катта савоб ишларни амалга оширди. Кейинчалик бевосита Насриддин ака раҳбарлигида яратилган илк «Ўзбекистон тарихи» дарслиги Беруний номидаги республика Давлат мукофотига сазовор бўлди. Мактабларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш, янги мактаб биноларини қуриш, уларни замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминлаш сингари долзарб ишларга муносиб ҳисса қўшди.

Китобнинг катта қисми Мустақиллик йилларидаги халқ таълими тараққиётига бағишланган. Унда ўқув, таълим-тарбия жараёнларини ислоҳ қилиш, бевосита Президент ташаббуси билан ҳаётга тадбиқ этилаётган «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда унинг негизи бўлган ўзбек моделининг аҳамияти ва самаралари ҳақида тажрибали мутахассис, педагог сифатида батафсил фикр юритади.

Муаллиф халқ таълимидаги ислоҳотлар энг аввало ёш авлоднинг миллий ўзлигини англашга, маънавий қадриятларни шакллантиришга, ватанпарварлик туйғуларини чуқурлаштиришга қаратилгани хусусида ифтихор билан сўзлайди. Миллий маънавий қадриятларимизни, тарихий ҳақиқатларнинг тикланиши Мустақиллик самараси эканига алоҳида урғу беради ва бу улуғ неъматнинг қадрига етишга даъват этади.

Китоб бошдан охиригача ана шу ҳаётбахш руҳ билан суғорилган. Насриддин ака ихтисосига кўра тарихчи олим. У бутун умри давомида ёш авлодга ўз она тарихимизни тўғри ўқитиш, тарихий шахсларнинг ҳаёти ва хизматларини сохталаштирмасдан талқин этишни орзу қилиб келган эди. Бу эзгу ниятни бугунги кунда амалга оширишга кўплаб шогирдлари бевосита ҳисса қўшаётгани олимнинг кўксини тоғдек юксалтиради. Тарих ва педагогика фанлари докторлари Жўра Йўлдошев, Ҳамидулла Йўлдошев, Эшқобил Холиқов, филология фанлари доктори Тойиржон Юсупов ва яна кўпгина фан номзодлари Насриддин акани устоз деб ардоқлайдилар. «Умр йўли» китобидан олимнинг ҳамкасблари, дўстлари ва шогирдларининг дил сўзлари ҳам ўрин олган. Улар Насриддин Раҳмоновнинг таниқли маорифчи олим ва ажойиб инсон сифатидаги сурати ва сийратини очиб беради.

**Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ**

# «TOSHKENTDONMAHSULOT» ОАЖ ЭМИССИЯ ПРОСПЕКТИ

1. Эмитент ҳақида асосий маълумотлар.

1. Эмитентнинг тўлиқ ва қисқача номланиши — «Toshkentdonmahsulot» очиқ акциядорлик жамияти, «ТДМ» ОАЖ.

Тармоқ: дон маҳсулотлари

Юқори ташкилот — «Ўздонмаҳсулот» АК

Эмитент раҳбарининг фамилияси, исми ва отасининг исми — Зоҳиддин Зухритдинович Нуритдинов.

Бош бухгалтернинг фамилияси, исми ва отасининг исми —Ирина Викторовна Пронина.

2. Эмитентнинг ташкилий-ҳуқуқий формаси — очиқ акциядорлик жамияти.

3. Манзили ва банк ҳисоб рақами.

Тўлиқ почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, 700047, Тошкент шаҳри, М.Мусахонов 2-тор кўчаси, 33.

Хизмат кўрсатувчи банкнинг номланиши ва унинг манзили: ҳисоб рақами 20210000400232459001, МФО 00987 РИАТ, «Ғаллабанк», Тошкент вилояти минтақавий филиали.

Солиқ ташкилотининг номланиши ва ИНН: Тошкент шаҳар, Хамза туман солиқ инспекцияси, ИНН 200547706.

4. Акциядорлик жамиятини рўйхатдан ўтказган органнинг номланиши, вақти ва рўйхатдан ўтказиш рақами: Ҳамза туман ҳокимияти, № 685, 12.07.1995 й., ўзгаришлар № 45, 13.01.1998 й, № 372, 02.04.1998 й, № 1373, 11.12.1998 й, № 31, 14.01.2000 й., № 1587, 08.11.2000 й., № 1598, 28.12.2001 й., № 93, 22.01.2003 й, № 07-000072, 26.12.2003 й., № 07-000072, 11.11.2004 й.

5. Фаолиятининг асосий турлари: хомашёни қабул қилиш, асраш, ун ва аралаш озуқалар тайёрлаш.

6. 5 ва ундан ортиқ фоиз низом жамғармасига эга бўлган эмитент акциядорларининг рўйхати:

| Иштирокчиларнинг тўлиқ номланиши — юридик шахслар Ф.И.Ш. жисмоний шахслар | Юридик шахс сифатида иштирок этувчиларнинг манзили ёки жисмоний шахсларнинг паспорт маълумотлари | Низом жамғармасидаги иштирокчилар улуши | |
|---|---|---|---|
| | | **дона** | **улуш фоизда** |
| Давлат мулк қўмитаси | Тошкент шаҳри, Ўзбекистон проспекти, 53. | 1699023 | 26 |
| ХИФ «Фойкон» | Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10. | 6410 | 5,15 |

**7. Эмитентни бошқарувчи ижроия орган аъзоларининг рўйхати:**

| Ижроия орган аъзосининг Ф.И.Ш. | Ҳозирги пайтда ва кейинги уч йил давомида эгаллаган лавозими | Эмитентнинг низом жамғармасидаги улуши | |
|---|---|---|---|
| | | **дона** | **улуш фоизда** |
| Нуритдинов З.З. | 2001-2002 йиллар — «Тошкент гуруч» ОАЖ раиси, 07.2003 йилдан — Toshkentdonmahsulot» ОАЖ раиси | 98 | 0,08 |
| Одилбеков Ш.Д. | 2001-2002 йиллар — «Тошкент гуруч» ОАЖ раиси ўринбосари 07.2003 йилдан —Toshkentdonmahsulot» ОАЖ раиси ўринбосари | 202 | 0,162 |
| Ҳакимов А.А. | 2001 йил — Toshkentdonmahsulot» ОАЖда бош технолог, 2002 йил Toshkentdonmahsulot» ОАЖда муҳандис-технолог 2003 йилдан — Toshkentdonmahsulot» ОАЖда бош муҳандис | 20 | 0,02 |
| Пронина И.В. | 2001-2002 йилдан — «Тошкент гуруч»да бош ҳисобчи, 2003 йилдан Toshkentdonmahsulot» ОАЖда бош ҳисобчи | — | — |
| Измайлова К.П. | 2001 йилдан — Toshkentdonmahsulot» ОАЖда бош иқтисодчи | 100 | 0,08 |
| Шарипов А.Д. | 2001 йилдан — асбоб-ускуналардан фойдаланиш ва таъмирлаш бўйича муҳандис | 47 | 0,04 |
| Назарбеков Р.И. | 2001 йилдан ПТЛ бошлиғи | 25 | 0,02 |

**8. Эмитент Кузатув кенгашининг барча аъзолари рўйхати:**

| Кузатув кенгаши аъзосининг Ф.И.Ш. | Ҳозирги пайтда ва кейинги 3 йил ичида эгаллаган лавозими | Эмитентнинг низом жамғармасидаги улуши | |
|---|---|---|---|
| | | **дона** | **улуши фоизда** |
| Раҳимжанов А.Д. | 2001-2003 йиллар Toshkentdonmahsulot» ОАЖ транспорт цехида бошлиқ, 2004 йилдан пенсионер | 151 | 0,13 |
| Грифина Л.П. | 2001 йилдан «Ўздонмаҳсулот» АК да иқтисодчи | 30 | 0,025 |
| Горловецкая Л.В. | 2001-2003 йиллар — кадрлар тайёрлаш бўйича муҳандис, 07.2004 йилдан «Тошкент нон шаҳри» корхонасида лаборант | 37 | 0,03 |
| Закиров З.Ф. | 2001 йилдан Ўзбекистон Республикаси давлат мулк қўмитаси қошидаги республика бизнес мактаби бош директори | — | — |
| Лазданов Ю.Н. | 2001 йилдан пенсионер | 113 | 0,1 |
| Акилханов Б.Б. | 2001 йилдан «Туркистон инвест» ИФ директорлар кенгаши раиси | — | — |

3. Акцияларни муомалага чиқариш шартлари.

23. Акцияларни муомалага чиқариш шартлари:

а) Акциялар чиқаришнинг тури ва формаси: номи ёзилган оддий — 1560 023 дона.

б) Чиқарилган акциялар сони: 1 560 023 дона.

в) Чиқарилган акциянинг номинал баҳоси, сўм: 100 сўм.

г) Чиқарилган акциянинг умумий микдори (номинал баҳоларда), сўм: 156 002 300 сўм.

е) Акцияларни тақсимлаш усули: ёпиқ обуна, бундай акцияларнинг чиқарилиши «TOSHKENT-GURUCH» ОАЖ ва «Чиноз дон» ОАЖ сингари қайта ташкил этилган ташкилотларнинг акцияларини Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармасининг 2004 йил 24 сентябрдаги № 298 к-ПО буйруғига асосан «Toshkentdonmahsulot» ОАЖ акциялари сифатида жойлаштирилади.

ж) Акцияларни жойлаштириш вақти ва тартиби: акциялар шу акциялар чиқарилгандан сўнг қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг жойлаштирилади.

з) Акцияларни жойлаштиришдаги тахмин қилинаётган баҳо: давлат активлари давлат мулк қўмитаси томонидан белгиланади. Қолганлари эса номинал баҳосидан (100 сўм) паст бўлмаган баҳода тарқатилади.

и) Акцияларнинг тўлов тартиби ва қоидалари, шунингдек, ҳисоб-китоб усуллари, банк ҳисоби. Чиқарилган 1 560 023 дона акциянинг 455 023 донаси давлат улушини тўлдириш учун сарфланади, акцияларни тўлов шартлари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси давлат мулк қўмитаси томонидан белгиланади. Қолган 1 105 000 дона акцияга пул тўланган.

к) Акцияларни чиқариш ҳақида қарор қабул қилган эмитент органи ва унинг қабул қилиниш пайти: акциядорларнинг 2004 йил 17 сентябрда бўлиб ўтган навбатдан ташқари умумий мажлиси.

м) Инвестор томонидан олинадиган даромад бўйича солиқ тўлаш.

24. Агар акцияларга пулсиз ҳисоб-китоб қилинадиган бўлса, акцияларга тўланадиган мол-мулкнинг рўйхати келтирилиши керак. **Акцияларга мулк билан тўлов ўтказиш кўзда тутилмаган.**

25. Чиқарилган акцияларнинг жойлаштирилмаган қисми тарқатилмаган деб ҳисобланади. (бу улуш чиқарилган акциялар умумий микдорининг 60 фоизидан кам бўлмаслиги зарур:) **Чиқарилган бундай акциялар жойлаштирилган деб ҳисобланади.**

26. Чиқарилган акциялар жойлаштирилмай қолган бўлса, эмитент томонидан акцияларга тўлов сифатида олинган маблағ қайтарилиш тартиби. **Чиқарилган акциялар амалга оширилди, деб ҳисобланади.**

27. Эмитент ўзи чиқарган акцияларни жойлаштириши мумкин бўлган шахслар доираси: Қайта ташкил этилган **«TOSHKENT-GURUCH» ОАЖ, «Чиноз дон» ОАЖ, «Toshkentdonmahsulot» ОАЖ акциялари, шунингдек, Давлат мулк қўмитаси акциялари жойлаштирилади.**

28. Акцияларни сақлаш тартиби ва ҳисобга олиш ҳуқуқи, шунингдек, тўла номланиши, ташкилий-ҳуқуқий усуллар билан биргаликда, жойлашган жойи, почта манзили, телефони, эмитент акцияларининг рўйхатини олиб бориш, номи кўрсатилмаган акцияларни чиқариш ҳолатларида ва депозитария, уларга эгаликни амалга ошириш, шунингдек лицензия ҳақидаги белгилар (рақами, берилиш вақти, лицензияни берган орган, фаолият даври) тегишли фаолиятни амалга оширади.

29. Ушбу қоидалар, акциялар эмиссия проспектлари ва асосий нусха билан қуйидаги манзилда танишиш мумкин:

**700047, Тошкент шаҳри, М.Мусахонов 2-тор кўчаси, 33.**

30. Акцияларни жойлаштиришда иштирок этувчи ташкилотлар (андеррайтерлар) ҳақидаги маълумотлар, ташкилий-ҳуқуқий формалари билан бирга уларнинг тўлиқ номланиши, акцияларнинг жойлашувида иштирок этувчи ташкилотларнинг манзили, почта манзили, уларнинг вазифаси, жойлаштириш усули, эмитент ва ушбу ташкилотлар ўртасидаги шартнома (шартномалар)нинг маълум шартлари, тақдирланиши шартлари, шунингдек, лицензияларнинг рақами, берилган вақти, унинг амал қилиш муддати, ташкилотнинг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолияти ҳақидаги маълумотлар. **Андеррайтерлар жалб этилмайди.**

**31. Акциялар сотиладиган асосий жойлар:**

Жойлаштирилган акцияларни сотиш асосан уларни обуна йўли билан жойлаштиришдан иборат. Шахсий акциялар жойлаштирилган тақдирда сертификатлар берилган жой манзили ҳисобланади.

700047, Тошкент шаҳри, М.Мусахонов 2-тор кўчаси, 33.

32. Акцияларни жойлаштиришдан тушган маблағдан фойдаланиш: **Акциялар аввалдан таниш бўлган акциядорларга жойлаштирилади. Акцияларнинг бу галги чиқарилиши давлат улушини шакллантиришга йўналтирилади.**

Эслатма: Чиқарилган ушбу акциялар Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитасининг қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази томонидан 2004 йил 13 декабрда рўйхатдан ўтказилган. №РО 263-4.

**Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: 67-99-88, 67-99-60.**


**BOSH MUHARRIR:**
**Safar OSTONOV**

**TAHRIR HAY`ATI:**
**Abdulla ORIPOV**
**Asliddin RUSTAMOV**
**Ashur QODIROV**
**Bobir ALIMOV**
**Habib SA'DULLA**
**Norbobo SHAKAROV**
(Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
**Alimqul SULTONOV**
(Bosh muharrir o`rinbosari)
**Andrey ORLOV**
(Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
**Nomoz SA`DULLAYEV**
**To`lepbergen QAIPBERGENOV**
**Muslihiddin MUHIDDINOV**
**Olim MURODOV**
**Abdug'ani MAMASODIQOV**
(Mas'ul kotib)

**MUASSIS:**
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO`LIMLAR:**
**Siyosat, partiya va xalqaro hayot** 133-44-55
**Ma`naviyat va ma`rifat** 133-69-45
**Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot** 133-20-36
**Parlament va huquq** 136-76-21
**Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik** 133-21-43
**Xatlar va ommaviy ishlar** 133-12-56 (Tel. Faks)
**Mas`ul kotib** 133-72-83
**Reklama va e`lonlar** 133-38-55, 133-47-80

**VILOYAT MUXBIRLARI:**
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

**MANZILIMIZ:**
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: **Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV**

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: **Ikromjon ISMOILOV**

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
**Korxona manzili:** *Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.*

*Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.*
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
*Hajmi 2 bosma taboq.*


«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.


Г — 257
9257 nusxada bosildi
t — Тижорат материали
O`zA yakuni — 21.30.
Topshirish vaqti —
2 3 4 5 6
Sotuvda erkin narxda